

12\_2755/3020 - СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Навоий ш.

2022 йил "13" январь

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил "30" декабрдаги 27-01-14/3062 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Навоий филиали директори ДЖураев Ж.К. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Вилоят М.Э.М.Б номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чикқанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцепттини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максалларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоз** миқдорида олдиндан тўланади, дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ хар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 600.000 ( ҲАҲИ ҲАҲИ МИЛ ) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда хар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ хар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Хар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобнида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатта Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.